



ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

PhD Муқимов Ботир Мирабзалович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0002-0826-1347

botir.mukimov@soliq.uz

Аннотация. Мазкур мақолада мамлакатда солиқ соҳаларида кўп йиллардан буён солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш бўйича ривожлантириш сарҳисоби, бизнес доираларнинг ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли ислохотларни такомиллаштиришда ҳудудлараро солиқ инспекциясини ўрни ва аҳамияти ёритилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон солиқ тизимида ҳудудлараро солиқ инспекцияси амалга оширилаётган айрим муҳим ислохотлар ўрганилиб, хориж тажрибаси, мамлакатимизда уни қўллаш бўйича илмий-амалий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: солиқ сиёсати, солиқ тушумлари, таҳлика-таҳлил, хавфлар, самарадорлик, рақамли платформа, усуллар ва воситалар, ҳудудлараро солиқ инспекцияси, таҳлил, оптималлаштириш, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НАЛОГОВОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

к.э.н., Муқимов Ботир Мирабзалович

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье обобщается развитие налогового администрирования в стране за многие годы, роль и значение межрегиональной налоговой инспекции в совершенствовании масштабных реформ, направленных на дальнейшее укрепление доверия деловых кругов. При этом были изучены некоторые важные реформы, реализуемые межрегиональной налоговой инспекцией в налоговой системе Узбекистана, а также разработаны научно-практические выводы и предложения на основе зарубежного опыта и его применения в нашей стране.

Ключевые слова: налоговая политика, налоговые поступления, анализ, риски, эффективность, цифровая платформа, методы и инструменты, межрегиональная налоговая инспекция, анализ, оптимизация, налоговые льготы, налоговая ставка.

ISSUES OF DEVELOPMENT AND IMPROVEMENT OF TAX ADMINISTRATION IN UZBEKISTAN

*PhD Mukimov Botir Mirabzalovich
Tashkent State University of Economics*

Abstract. *This article summarizes the development of the tax administration in the country for many years, the role and importance of the interregional tax inspection in the improvement of large-scale reforms aimed at further strengthening the confidence of business circles. At the same time, some important reforms implemented by the interregional tax inspectorate in the tax system of Uzbekistan were studied, and scientific-practical conclusions and proposals were developed based on foreign experience and its application in our country.*

Key words: *tax policy, tax revenue, analysis, risks, efficiency, digital platform, methods and tools, interregional tax inspection, analysis, optimization, tax benefits, tax rate.*

Кириш.

Солиқ сиёсати стратегияси орқали инклюзив ўсиш суръатларига эришиш, солиқ тизимида даромадларни ошириш қобилиятини ошириш ҳамда давлат харажатларининг барқарорлигини таъминлаш, ривожланаётган давлатларнинг фискал сиёсатини кучайтириш, адолатли ва инклюзив солиқ тизимини жорий этиш, солиқ сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришда рақамли платформалардан самарали фойдаланиш кабилар бу борадаги илмий тадқиқот ишларининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон солиқ тизимида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу ислоҳотлар кўпинча иқтисодий ўсишни таъминлайдиган, инвестицияларни рағбатлантирадиган ва давлат функциялари учун етарли даромад йиғилишини таъминлайдиган янада самарали, шаффоф ва адолатли солиқ тузилмасини яратиш зарурати билан боғлиқ.

Адабиётлар шарҳи.

Федоров (2010) фикрича, “маъмурий юкни камайтирадиган ва йирик солиқ тўловчиларнинг инвестиция фаоллигини рағбатлантирадиган солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тақлиф этган, амалдаги солиқ имтиёзларини сезиларли даражада кенгайтирадиган ва тўлдирадиган ҳамда ўз инвестиция манбаларини кўпайтирадиган йирик солиқ тўловчиларнинг инвестиция фаолиятини солиқ орқали рағбатлантириш усуллари ва услубларини ишлаб чиққан, уларнинг самарадорлигини баҳолаган”

Байбородина “солиқ ислоҳотлари – солиқ тизимини кенг қўламли қайта қуриш ва уни бошқариш механизмини ўзгартириш асосида солиқ муносабатларининг чекланган ёки тубдан ўзгариши сифатида” таърифлайди.

Майбуров (2007) “солиқ ислоҳоти солиқ тизимини тубдан ўзгартиришни давлат солиқ сиёсатининг янги мазмунига мослаштириш” деб таъкидлайди (Камалнев, 2009).

Дементьева (2009) солиқ сиёсатини давлат иқтисодий сиёсатининг инъикоси эканлигини, у мустақил аҳамиятга эгаллиги ва солиқларнинг илмий назариясига асосланиши лозимлигини таъкидлайди. “Амалга оширилаётган солиқ сиёсатининг натижалари кўп жиҳатдан давлат ўз иқтисодий сиёсатига қандай тузатишлар киритишга мажбур эканлигини, солиқ тизимини қандай қуриш кераклигини белгилайди”.

Карп (2001) Солиқ сиёсати давлатнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги умумий молиявий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, солиқ соҳасидаги давлат фаолияти концепцияси, солиқ механизми, солиқ тизимини бошқариш каби тушунчаларни ўз ичига олади.

Ситникованинг фикрича, (2012) “консолидациялашган солиқ тўловчилар гуруҳига киритишда активларини тан олиш ёки махсус қайта баҳолаш зарур, гуруҳга киришдан олдин корхонанинг зарарларини ўтказиш тартиби ишлаб чиқиши лозим, консолидациялашган солиқ тўловчининг молиявий-ҳўжалик фаолиятининг бир хил қийматга эга бўлган субъект сифатида халқаро эътироф этилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим”.

Дарькина (2019) йирик солиқ тўловчиларнинг хусусиятлари сифатида тўхталиб, “йирик солиқ тўловчиларга қуйидаги хусусиятлар хосдир: катта пул оқими, кенг қўламли ҳужжатлар айланмаси, соддалаштирилган тизим бўйича солиққа тортиладиган турли таркибий бўлинмаларнинг интеграциясидан фойдаланиш, мамлакат ичида ҳам, чет элда ҳам турли фирмалар билан ҳамкорлик мавжудлигидир”.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида янги мазмундаги стратегик мақсадларни белгилаб берувчи солиқ сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Солиқ тўловчилар фаолиятини рағбатлантириш, солиқ юкини камайтириб бориш, адолатли солиқ тамойилларига асосланган солиқ тизимини янада ривожлантириб бориш йўналишида сезиларли ислохотлар амалга ошириш бу борадаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу билан бирга бундай солиқ сиёсатининг самарадорлигини таъминлашда, ҳали ўз ечимини кутаётган илмий-амалий муаммолар ҳам мавжуд (Юнак, 2009).

Хусусан, 2016-2021 йилларда амалга оширилган солиқ ислохотларининг реал натижалари:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуслари билан солиқ тизимини яратишга қаратилган солиқ ислохотлари иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама асосланган ҳамда солиқ тўловчилар учун қулай ва манфаатли эканлигини кўрсатди.

1. Биринчи навбатда, тадбиркорлик субъектлари ва инвесторлар фаолиятини солиқ соҳасида кафолатлашнинг ҳуқуқий асоси яратилиб, янги солиқ концепцияси, Солиқ кодекси ва 141 та қонун, фармон, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди (2016 йилгача соҳада қабул қилинган ҳужжатларга нисбатан 2 баробарга кўп).

2. Тенг рақобат шароитини яратиш мақсадида 84 та турли солиқ имтиёзлари бекор қилинди. Индивидуаль имтиёзлар бериш амалиётидан воз кечилди.

3. Солиқ юкини кескин пасайтириш мақсадида- товар айланмасидан 3,2 фоиз миқдорда олинандиган ажратмалардан воз кечилди, мулк солиғи ставкаси 5 фоиздан 2 фоизга пасайтирилди, ҚҚС ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга ва ягона ижтимоий тўлов ставкалари 25 фоиздан 12 фоизга туширилди. Солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди ва иш ҳақиға солиқ юки қарийб 2 баравар пасайди.

Солиштириш учун: Европа давлатлари Швецияда даромад солиғи ставкаси 56,9%, Англияда 20-45%, Данияда 55,6%, Испанияда 45%, ҚҚС ставкаси Дания, Норвегия, Швецияда — 25 %, Финляндияда — 24%, Венгрияда — 27 %, Россия, Беларусь ва Украинада — 20 %.

4. Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий тарзда берилган енгилликлар ва имтиёзлар натижасида уларнинг ихтиёрида 119,5 трлн.сўм маблағ қолди (республиканинг 2016 йилдаги солиқ тушумлари даромадидан 4 бараварга кўп).

5. Солиқ юкининг тенг тақсимланиши натижасида ҚҚС тўловчилари сони 17,3 бараварга, фойда солиғи тўловчилари 15,2 бараварга, сув солиғи тўловчилари 36,5 бараварга ва ер солиғи тўловчилари 38 бараварга кўпайди (Хорижий сармоядорлар улушида ташкил этилган корхоналар сони 4 йилда 2,6 бараварга кўпайди ва 13,2 мингтага етди. Трансхалқаро компаниялардан Google, Apple, Samsung, Huawei, Facebook,

Яндекс каби 26 тадан ортиқ интернет-компаниялари Ўзбекистондаги фаолиятлари бўйича солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтди).

6. Солиқ тўловчиларга узлуксиз хизмат кўрсатиш ва замонавий солиқ маъмурчилиги чақириқларига жавоб берадиган тизим яратиш мақсадида, Маълумотлар базаси 24 террабайтдан (тб) 484 тб.га етказилди ёки 20 бараварга ошди.

(Бу ўз навбатида, солиқ тўловчиларга (i) рўйхатдан ўтиш, (ii) солиқ режимини танлаш, (iii) бюджет билан муносабатларини онлайн кузатиш, (iv) ҳисоботларни шакллантириш ва (v) топшириш, (vi) солиқларни тўлаш, (vii) маслаҳат олиш ва (viii) ёзишмаларни шахсий кабинетини орқали дунёнинг исталган бурчагидан солиқ мажбуриятларини электрон тарзда бажариш имкониятини берди)

7. Яширин иқтисодиётни жиловлаш ҳисобига солиқ базасини кенгайтириш мақсадида, замонавий солиқ маъмурчилининг янги инструментлари - Электрон ҳисобварақ-фактуралари, онлайн назорат касса машиналаридан фойдаланиш, товарларни маркировкалаш, электрон шартнома тизимлари жорий этилди. Натижада, 2016 йилда ЯИМ (ВВП) яширин иқтисодиётнинг улуши 59 фоиз бўлган бўлса, 2020 йилга келиб 11 фоиз пунктга пасайтирилди ёки 48 фоизга туширилди. Бу ўз навбатида солиқ тушумларининг ошишига ижобий таъсир кўрсатиб, 2016 йилга нисбатан 2020 йилда тушумлар 3,3 бараварга ўсди. (2021 йилнинг I ярим йиллигида пандемиядан олдинги 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 бараварга ўсди).

Маълумот учун: Солиқ тушумларининг эластиклик коэффиценти 2,02 бўлиб, солиқ тушумларининг ўсиши ЯИМ (ВВП) ўсишига нисбатан номинал кўрсаткичда юқори бўлди. 2016-2020 йилда ЯИМ 255,4 трлн.сўмдан 602,5 трлн.сўмга ёки 2,4 бараварга, ошган бўлса, солиқ тушумлари 31,4 трлн.сўмдан 103,6 трлн.сўмга етди ёки 3,3 бараварга ошди.

8. Солиқларни ихтиёрий тўлаш даражаси 83 фоиздан 95 фоизга чиқарилди.

9. Ташқи меҳнат миграцияси ва ўзини ўзи иш билан банд қилган фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш институти яратилиб, расмий рўйхатдан ўтганлар сони қарийб 1 млн.га етди.

10. Шахсий масъулият ва “темир интизом”га асосланган уч бўғинда ижро назоратини таъминлайдиган Электрон назорат (ЭДО), 24/7 режимида маслаҳат берадиган Call маркази ишга туширилди.

11. Худудларнинг фаолият самарадорлигини (KPI) баҳолаш (10 та) мезонлари ҳамда рағбатлантиришнинг янги тизими жорий этилди.

12. Коррупцияга қарши комплаенс назорати ҳамда янги авлод кадрларини тайёрлаш бўйича Фискал институт ташкил этилди.

13. Солиқ ислохотлари нуфузли халқаро институтлар томонидан қайд этилиб, «Doing Business» “Солиққа тортиш” рейтингда 2016 йилга (154 ўрин) нисбатан 24,6 пунктга кўтарилиб, 69-ўринга чиқилди.

II. Соҳада мавжуд камчилик (ҳатар) ва муаммолар

1. Хуфиёна иқтисодиётнинг улуши 2020 йилда ЯИМ нисбатан 48 фоиз (245 трлн.сўм) даражасида баҳолашиб, унинг босқичма-босқич қисқартириб борилиши яқин келажакда бюджетга қўшимча 42,9 трлн.сўм миқдорида резервларни жалб этиш имкониятини бериши мумкин (245 трлн.сўм x 17,5 % солиқ юки 42,9 трлн.сўм);

2. “Business Insider”, “eMarketer” аналитик компанияларининг тадқиқотларига кўра, 2021 йилда дунёда электрон тижорат бозори ҳажми 4,9 трлн.долларни ташкил этади (дунё чакана савдоси ҳажмининг 17,5%). Экспертларнинг баҳолашлари республикада фойдаланувчилари 2 млн.дан ортиқ 100 дан ортиқ йирик каналлар мавжуд ва рақамли иқтисодиётнинг ЯИМ улуши 2,2% (12,2 трлн.сўм). Мазкур соҳанинг ислох қилиниши йилига ўртача бюджетга 141,9 млрд.сўм ва бизнесга 166,7 млрд.сўмдан ортиқ расмий даромад олиш ҳамда 14,7 мингта янги иш ўрин яратиш имкониятини беради;

3. Товарларнинг (хизматларнинг) эълон қилинган ва ҳақиқий сотиш нархи ўртасидаги фарқ ўртача 30-50 фоизни ташкил қилиб, ушбу миқдорда солиқ базасига кирмасдан қолмоқда. Бу борада солиқ назоратининг таъсир чоралари етарли эмас;

4. ҚҚС тўловчиларини рўйхатга олишда ягона талабларнинг белгиланмаганлиги ва ҳисобот топшириш муддатлари унификация қилинмаганлиги натижасида 56,3 мингта (54%) тўловчилар товар айланмасини кўрсатмаслиги ва 1,9 мингтаси шубҳали операцияларни амалга оширганлиги ҳисобига бюджетга йиллик ҳисобда 1 трлн.сўмга яқин маблағ йўқотилмоқда;

5. Кўчмас мулк ижара шартномаларини ягона электрон тизимда рўйхатга олиш жорий этилмаганлиги натижасида ушбу соҳадаги муносабатлар бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмаяпти, шу билан бирга бюджетга ўртача йиллик ҳисобда 500 млрд.сўмдан ортиқ резервлардан фойдаланилмаяпти;

6. Солиқдан қочиш мақсадида, электрон тўлов каналлари (Payme, Click) орқали савдо пуллари пластик карточкаларга кўчириш амалиёти кенг учрамоқда. Жумладан, 1 киши учун яқин қариндошлиги бўлмаган фуқароларга ойига 20 дан ортиқ пул ўтказмалари ҳисоб-китоби билан 9 575 нафар шахснинг пластик карталарига жами 2 339,4 млрд. сўм тушганлиги аниқланди;

7. Савдо объектларининг қарийб 85 фоизда онлайн НКМ ўрнатилган бўлсада, уларни ишлатиш (чек уриш) даврийлиги (частотаси) паст даражада қолиб, савдо ҳажмини яшириш давом этмоқда.

Амалиёт ҳамда чет эл тажрибаси бу борада фақатгина солиқ назорати тадбирларининг таъсир чоралари билан чегараланиш етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Тезкор таҳлилларга мувофиқ савдо, хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланаётган субъектлардан солиқ тушумларини камида икки-уч бараварга ошириш резервлари мавжуд. Маълумот учун: Статистика маълумотларга мувофиқ 6 ойда чакана савдо ва умумий овқатланиш субъектлари товар айланмаси 102 трлн.сўмдан ортиқ бўлса, тўланган айланма солиқ суммасига тўғри келган товар айланмаси 23,3 трлн.сўм ёки 4 баравар кам.

8. Жорий этилган маркировкалаш тизимининг самараси ишлаб чиқарилган маҳсулотни савдо оборотидан чиқариш ҳисобини юритишга боғлиқ. Ҳар бир маркировкаланган маҳсулотни охириги истеъмолчига қадар кузатиб бориш мақсадида, айланмадан чиқариш (сотиш) жараёнини фиксация қилишнинг техник имкониятини яратишни талаб қилади ва бунинг учун барча НКМларни 2d сканер қурилмаси билан таъминлаш зарур.

9. Яна бир кескин муаммо, онлайн НКМлар нақд пулсиз тўлов тизимлари (Uzcard ва Нумо) билан тўлиқ уйғунлашмаганлиги. Бугунги кун, тадбиркорлар харидорга 2 та чек (тўлов терминали ва онлайн НКМ) беришга мажбур. Бу ноқулайлик: хизмат кўрсатиш вақтини узайтирмоқда, тўловни автоматик солиқ базасида акс эттирмаслик имкониятини яратмоқда, НКМдан фойдаланиш даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Маълумот учун: 48,6 мингта онлайн НКМ фақат Uzcard ва 79,6 мингтаси Нумо тизимига уланган бўлиб, бирорта ҳам НКМ иккала тизимга уланмаган.

10. Тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ ва статистика органларига тақдим этилаётган ҳисоботларда такрорланишлар мавжуд бўлиб, уларни ортиқча вақти ва ресурсларини сарфига олиб келмоқда (Корхона ва фуқаролар тўғрисида ахборотларни йиғиш билан бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, тижорат банклари, вазирликлар ҳам шуғулланиб, кўплаб такрорланишлар мавжуд).

11. Устав фондини шакллантириш, улушини олиб чиқиш ва катта ҳажимдаги аслида реализация қилинган товарларни турли важлар билан ҳисобдан чиқариш каби солиқдан қочиш схемаларидан фойдаланиш амалиёти кенг қўлланилмоқда.

12. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги йирик савдо комплексларида (“Ўрикзор”, “Абу-сахий”, “Бек-тўпи” ва бошқалар) асосан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолият кўрсатиб, кирим қилинмаган товарлар, контрабанда маҳсулотларини республика бўйича реализация қилиш имкониятини кенгайтириб, хуфиёна иқтисодий улушини қисқартиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-422-сон қарори 1. Жорий йилнинг 7 ойида 102,8 трлн.сўм туширилиб (101,2 трлн.сўмлик прогнозга нисбатан 1,6 трлн.сўм кўшимча), белгиланган прогноз барча ҳудудда таъминланди ва тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 15,7% ўсди (июль ойида 17 трлн.сўм туширилиб, 35,5% ўсган). Йирик солиқ тўловчиларда ўсиш – 10,4 % (июлда - 40%), ҳудудларда – 24,9% (29,7%), шундан, бевосита туман солиқ инспекцияларида – 39,3% (48,7%) ўсди. Сирдарёда 34,6%, Тошкент шаҳрида 33% ва Жиззахда 27,9% ўсиб, ҳудудларнинг ўртача (24,9%) ўсишидан юқори бўлди. Солиқ турларидан ўсиш – акциз 24,8% (59,4%), сув солиғи 24,2% (54,4%), ҚҚС 16,7% (50,1%), мол-мулк солиғи 39% (49,7%), АОС 22,3% (44,7%), ер солиғи 31,4% (32,7%), жисмоний шахслар даромад солиғи 19,1% (26,8%) ташкил этди. Ҳудудларда 7 ой якуни билан ҚҚС 21,6%, жумладан Жиззах ва Сирдарёда 1,5 бараварга, ҚҚРда 40,3%, Тошкент шаҳарда 30,7%, Сурхондарёда 26%, Хоразмда 25,6% ўсди. Навоийда 28,5 млрд.сўмга, Наманганда 20,9 млрд.сўмга ва Андижонда 16,9 млрд.сўмга камайган. Кластер ва ф/х қарзини тўлаб бера олмаган. Фойда солиғи ҳудудларда 31,3%, жумладан Сирдарёда-2,5 бараварга, ҚҚРда-1,7 бараварга, Навоийда-44,7% ва Тошкент вилоятида-1,4 бараварга. Даромад солиғи ҳудудларда 22,6%, жумладан Тошкент шаҳрида 30,7 % энг юқори ўсиш кузатилиб, қолган барча ҳудудларда ўсиш 15 %дан юқори бўлди. Айланмадан олиндиغان солиқ ҳудудларда 22,3%, жумладан Бухорода 35,1%, Тошкент вилоятида 26,6%, Хоразмда 25,8%, Наманганда 25,3%, Жиззахда 25,1% ва Тошкент шаҳрида 24,5% ўсди. Йиллик прогнознинг 7 ой якуни 52 % (2023 йилда 53,5%) таъминланди. МРИ – 50,6% (51,5%), ҳудудларда -54,3% (56,4%). III-чорак 48 712 млрд.сўм прогноз кўрсаткичи ва 7 851 млрд сўмлик кўшимча тушумлар ёки жами ,56 563 млрд сўм режа белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 227-1-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Мазкур Қонун билан табиий газ ва суюқ углеводородни қазиб чиқариш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 12 майдаги ПҚ-157-сон қарори ижроси бўйича

Табиий газни ҳисобга олиш электрон ҳисоблагичлари Солиқ қўмитасининг ахборот тизимига интеграция қилинди;

Маълумот учун: бугунги кунда тизимга жами 86 053 та ҳисоблагич интеграция қилинган (“Ўзбекнефтгаз” 102 та, “Ўзтрансгаз” 1412 та, “Ҳудудгазтаъминот” 84 493 та ва хорижий қўшма корхоналар 46 та).

• табиий газ ва суюқ углеводородни реализация қилиш тўғрисидаги шартномаларга оид маълумотларни киритиш тизими яратилди.

Бунда, табиий газ ва суюқ углеводород реализацияси бўйича шартнома мавжуд бўлмаса ЭХФ расмийлаштириш имконияти чекланди. 2024 йил 1 июнь ҳолатига 86,8 мингдан ортиқ шартномалар рўйхатдан ўтказилди ва ушбу бўйича 19,2 трлн сўмлик ЭХФлар расмийлаштирилди. Солиқ қўмитаси ахборот тизимига интеграция қилинган электрон ҳисоблагичлар орқали 75,8 млрд.м3 газ ҳажми ўтган бўлса, шундан 22,4 млрд.м3 реализация учун, 163 млн м3 ўз эҳтиёжлари учун, 35,8 млрд.м3 магистр қувурлар орқали бошқармалар ўртасида ўтган газ ҳажми. Ушбу тартибнинг жорий

этилиши электрон ҳисоблагичлар орқали узатилаётган газ ҳажми ҳисобининг тўғри юритилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 январдаги ПФ-8-сон Фармонида 3-илоvasи Мажбурий талабларни қисқартириш ҳамда лицензия ва ружсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйичабирқанча ишлар амалга оширилди. Бозорлар, савдо комплекслари фаолиятини рақамлаштириш ва самарали назорат қилиш. Бунда:

республикада фаолият юритаётган барча бозорлар, савдо мажмуаларининг реестри, уларнинг паспорт маълумотлари, хусусан, расталар, дўконлар ва ёйма савдо нуқталари сони (майдони), автотураргоҳлар сифими тўғрисида маълумотлар базасини ягона электрон платформа орқали юритиш тартибини жорий этиш;

бозорлар ва савдо мажмуаларидаги расталар, дўконлар ва ёйма савдо нуқталарини e-ijaga.soliq.uz платформаси орқали электрон тарзда ижарага бериш ва ҳисобини юритиш тартибини жорий қилиш;

«бозор инфратузилмаси» тушунчасига аниқ таъриф бериш орқали бозорлар ва савдо комплекслари ҳамда уларнинг филиалларига туташ ҳудудда жойлашган объектлар мулкдорларидан бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ундирилмаслигини белгилаш;

бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида жойлашган объектлар мулкдорларидан бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириладиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ҳамда кўрсатиладиган хизматлар қиймати кўрсатилган хизматларидан келиб чиқиб, шартнома асосида белгиланиши тартибини жорий этиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 январдаги “2024 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш дастури тўғрисида”ги 7-сон қарори қабул қилинган. Мазкур қарорнинг 4-банди. 2024 йил 1 январдан 2025 йил 1 январга қадар микрофирма ва кичик корхоналар томонидан яратилган ҳар бир янги иш ўрни учун ойлик иш ҳақи бўйича тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг 50 фоизи республика бюджетидан иш берувчига (ҳар бир ишчи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробаридан ошмаган миқдорда) қайтариб берилади ҳамда уларга ижтимоий солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилган ҳолда қўлланади.

Бунда, мазкур имтиёз «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган фуқаролар ишга қабул қилинганда ҳамда ушбу фуқароларга ҳар бир ой учун иш ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган миқдорда ҳисобланганда қўлланади.

10-банди. 2024 йил 1 февралдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳар ойнинг 15-санасига қадар Дастур доирасида яратилган янги иш ўринлари ва бандлиги таъминланган аҳоли тўғрисидаги маълумотларни идоралараро электрон ахборот алмашинуви орқали Солиқ қўмитасига тақдим этади. Солиқ қўмитаси ҳар ойнинг 20-санасига қадар аҳоли бандлиги ва иш ўринлари ҳисобининг ҳаққонийлигини текшириб, натижалари бўйича маълумотни Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги ПФ-37-сон Фармони 4-илоvasи «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши бўйича 2024 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси бўйича 2024 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати:

80-мақсад. Норма ижодкорлиги фаолиятининг ислоҳотлар билан уйғунлигини таъминлаш ва давлат ҳуқуқий сиёсатининг институционал асосларини ривожлантириш
3-банди. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли,

профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори фаолиятини асосий самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш.

Солиқ органларини “Маҳаллабай” ишлаш янги институтини амалиётга жорий этиш бўйича 9 445 та маҳаллага 4 364 нафар солиқ инспектори бириктирилиб, маҳаллаларда солиқ маъмурчилиги билан боғлиқ муаммоларини ўрганиш ва жойида ҳал қилиш бўйича янги тизим асосида иш бошланди.

Мазкур янги тизим бўйича солиқ органларига юклатилган вазифаларни маҳалла даражасида ташкил этиш, маҳаллада даромадни ошириш, яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш, солиқ инспекторлари фаолият самарадорлигини баҳолаш учун “Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти” ахборот тизими ишлаб чиқилди.

Мазкур ахборот тизими бўйича солиқ инспекторларининг асосий вазифалари белгилаб берилиб, иш фаолияти самарадорлик кўрсаткичини баҳолаш учун ҳозирги кунда 25 та йўналиш бўйича рейтинг баллари жорий этилди.

Солиқ ходимларининг маҳаллабай ишлаш тизимидаги дастлабки натижаларга кўра жорий йилнинг 1 август ҳолатига ҳолатига:

-318,8 млрд сўм қўшимча солиқ ҳисобланди;

-53 993 та вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тикланди;

-106 711 та янгидан тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди;

-маҳалла еттилиги билан биргаликда 1 549,5 минг нафар аҳоли ўзини ўзи банд қилган шахс сифатидан рўйхатдан ўтказилди;

-143 047 та деҳқон хўжалиги рўйхатдан ўтказилди;

-5 729 та ўзини ўзи банд қилганларни фаолияти ЯТТ (юримдик шахс), 541 нафар ЯТТнинг фаолияти юримдик шахс сифатида йириклаштирилди.

Бундан ташқари:

Солиқ тўловчиларнинг товар айланмаси йил бошига нисбатан 2 656,6 млрд сўмга ёки 181,8 фоизга;

Айланмадан олинандиган солиқ тушуми ўтган йилнинг (7 ойлик тушумга нисбатан) мос даврига нисбатан 291,3 млрд сўмга ёки 122,3 фоизга;

-Жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиғи тушуми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1 248,7 млрд сўм ёки 158 фоизга ошишига эришилди..

Солиқ органлари фаолиятини тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатишга трансформация қилишга қаратилган “Маъмурий ислохотлар доирасида солиқ органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди. Солиқ қўмитаси фаолиятининг устувор йўналишлари, ташкилий тузилмаси ва солиқ органлари фаолиятини тубдан ислох қилиш бўйича чора-тадбирлар тасдиқланмоқда.

Солиқ қўмитаси ташкилий тузилмасида бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони доирасида оптималлаштириш мақсадида:

Бюджет ташкилотлари бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси;

Солиқ қарзини ундириш бўйича ҳудудлараро солиқ инспекциясини ташкил ташкил этилиши белгиланмоқда. Лойиҳада Бюджет ташкилотлари бўйича ҳудудлараро солиқ инспекциясининг асосий вазифалари этиб :

бюджет ташкилотларига солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўғри бажаришларида кўмаклашиш, солиқ ва йиғимлар, шунингдек қонунчилик ҳужжатлари билан ундирилиши солиқ органларига юклатилган тўловларни тўғри ҳисобланишини таҳлил қилиш орқали камчиликларни ихтиёрий бартараф этишда имконият яратиш;

халқаро тажриба асосида Ғазначилик хизмати қўмитаси ва бошқа идоралар билан ўзаро электрон ахборот алмашинувини ташкил этиш орқали инспекция фаолиятини босқичма-босқич рақамлаштириш;

республика бўйича солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларини Солиқ кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ марказлашган ҳолда тўғри юритилишини назорат қилиш;

ҳалқаро стандартлар асосида солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларини юритиш тизимининг замонавий платформасини яратиш белгиланмоқда.

Маълумот учун: Солиқ органларида солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларини юритиш бўйича бугунги кунда 15 та йўналишда жами 48 турдаги амаллар бажарилиб келинмоқда.

Ушбу амалларнинг 29 тасини солиқ инспекцияларида, 34 тасини Солиқ бошқармаларида, 30 тасини Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекциясида ва барчасини Солиқ қўмитасида бажариш имкониятлари мавжуд.

Солиқ қарзини ундириш бўйича ҳудудлараро солиқ инспекциясининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланмоқда:

солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш ва солиқ қарзини профилактик тадбирлар ҳисобига ундиришни кенгайтириш;

ахборот-коммуникация технологиялари воситасида солиқ қарзини мажбурий ундириш тизими тезкорлиги ва самарадорлигини ошириш;

солиқ қарзини мажбурий ундириш тизимини такомиллаштириш.

Маълумот учун: жорий йилнинг 1 январь ҳолатига Мажбурий ижро бюросида фақатгина юридик шахслар бўйича 276,9 мингта 4 610,4 млрд. сўмлик ижро ҳужжатлари иш юритувида мавжуд бўлиб, мазкур ижро ҳужжатларидан 217,8 мингта (жамига нисбатан 78,7 фоиз) 3 424,0 млрд. сўмлик (74,3 фоиз) ижро ҳужжатларининг ижро муддати икки ойдан ошган. Ўртача битта давлат ижрочисига 722,9 та ижро ҳужжати тўғри келиб, давлат ижрочилари иш юкламаси амалдаги меъёрга нисбатан қарийб 5 бараварга юқори.

Солиқ қўмитасига Бош прокуратура, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ойлик муддатда солиқ органларига солиқ қарзини мажбурий ундириш бўйича қуйидаги ваколатларни беришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси юклатилмоқда:

солиқ қарзини қарздорнинг ягона ғазна ҳисобварақларидан ва (ёки) махсус мақсадли ҳисобварақларидан сўзсиз ундириш;

суд қарори асосида ёки тан олинган солиқ қарзи бўйича ундирувни жисмоний шахсларнинг пул маблағлари, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга қаратиш, уларнинг мол-мулкига тақиқ қўйиш;

Маълумот учун: Мол-мулк, ер ва декларация асосида ҳисобланган даромад солиқлари бўйича 2024 йил 1 январь ҳолатига 3,0 млн. нафар жисмоний шахсларнинг солиқ қарзи 2,3 трлн. сўмни ташкил этиб, 2022 йилнинг шу даврига нисбатан 21 фоизга ошган.

Ушбу солиқларнинг жами тушумдаги улуши 2,4 фоизни ташкил этиб, ундириш ишларига 4,4 минг нафар ёки барча ходимларнинг 67 фоизидан ортиғи жалб қилинган. Мол-мулк, ер ва декларация асосида ҳисобланган даромад солиқлари бўйича 2024 йил 1 январь ҳолатига 3,0 млн. нафар жисмоний шахсларнинг солиқ қарздорлиги 2,3 трлн. сўмни ташкил этиб, солиқ қарзи 2022 йилнинг шу даврига нисбатан 21 фоизга ошган. Ушбу солиқларнинг жами тушумдаги улуши 2,4 фоизни ташкил этиб, ундириш ишларига 4,4 минг нафар ёки барча ходимларнинг 67 фоизидан ортиғи жалб қилинган. 2023 йилда солиқ органлари томонидан 26,9 мингта корхоналарнинг 11,8 трлн.сўмлик солиқ қарзи юзасидан мол-мулклари хатланган бўлиб, амалдаги қонунчилик бўйича давлат ижрочиси томонидан қайта хатлов амалга оширилади.

Қарздорнинг мол-мулкани хатлаш учун борилганда, автотранспорт воситаларининг жойида мавжуд бўлмаслиги, хизмат сафари билан узоқ ҳудудларга

юборилган важлари кўплаб учрайди. Маълумот учун: 12 370 та қарздор юридик шахсларнинг 109,3 мингта автотранспорт воситалари мавжуд.

солиқ қарзини дебиторлар ҳисобидан ундириш; Маълумот учун: 20,6 мингта корхоналардан 5,4 мингтасида (26,2 фоиз) 69,7 трлн. сўмлик дебиторлик қарзи ҳисобидан 4,6 трлн. сўмлик солиқ қарзини ундириш имконияти юзага келади.

Лойиҳа доирасида Солиқ органлари тизимидаги “Солиқ маълумотларини қайта ишлаш маркази” давлат унитар корхонаси томонидан кўрсатган хизматлари учун Давлат бюджети маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга ошириши белгиланмоқда. Шунингдек, лойиҳа билан тасдиқланаётган Солиқ органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш бўйича чоратадбирларнинг молиялаштириш манбалари белгиланмоқда. Маълумот учун: Дастлабки тезкор ҳисоб-китобларга кўра, Солиқ қарзини ундириш бўйича ҳудудлараро солиқ инспекция ходимларини махсус планшетлар, автотранспорт воситалари ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш учун молиялаштиришга 10,7 млрд. сўм, солиқ органлари ходимларини “Body camera” қурилмаси билан таъминлаш молиялаштиришга 34,9 млрд. сўм маблағ Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Солиқ маъмурчилигини рақамлаштириш ҳисобига коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш ҳамда ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, солиқ органлари ходимларини “Body camera” қурилмаси билан таъминлаш белгиланмоқда. Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2023 йил 9 ноябрдаги VM-1219-сон билан тасдиқланган Баённинг 5-банди е) кичик бандида, солиқ текшируви ходимларини “Body camera” қурилмалари таъминлаш топшириғи мавжуд. Таъкидлаш жоизки, солиқ хизмати органлари ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариш вақтида (ўтказилган сайёр солиқ текширувларида) тадбиркор ва фуқаролар томонидан уларга нисбатан жами 51 та (2020 йилда 12 та, 2021 йилда 11 та, 2022 йилда 22 та ва 2023 йил ўтган даврида 6 та) ҳолатда тан жароҳати етказилган.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, *Кейинги 5 йилликда амалга ошириладиган устувор ислохотлар*

1. Солиқ органлари фаолиятини халқаро стандартлар асосида рақамли трансформация қилишни давом эттириш. (безнес-жараёнларини автоматлаштириш, замонавий технологиялар асосида автоматлаштирилган қарорларни қабул қилиш, катта маълумотлар (Big Data) билан ишлаш, “Business Intelligence” аналитик тизимни ишга тушириш);

2. Давлат хизматчиларидан кейинги босқичда, умумбелгиланган тарзда даромадларни декларация қилиш механизмларини ишга тушириш ва солиқ қўмитаси ҳузурида халқаро тажрибалар асосида Республика декларация марказини ташкил этиш (Германия тажрибаси);

3. Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишни янги босқичга чиқариш, вазирликлар, қўмиталар (божхона, ҳаво ва транспорт, стандартлаш, инвестиция) ва назорат қилувчи органларда ахборотларни такрорий йиғиш, молиявий ва инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида маълумотларини битта марказга жамлаган Давлат солиқ қўмитасини Ягона ахборотлар оператори деб белгилаш (Россия тажрибаси);

4. Йирик солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш, ҚҚС марказлаштиришнинг ижобий тажрибасини давом эттирган ҳолда:

Тадбиркорлик субъектларидан ортиқча маблағларни ундириш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш каби салбий ҳолатларга барҳам бериш мақсадида, Маълумотларни қайта ишлаш маркази ҳузурида барча солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларини юритишни марказлаштирган Бюджет билан муносабатларни бошқариш марказини ташкил этиш (Франция тажрибаси);

5. Бюджет ташкилотлари маъмурчилигини ДСБ марказлаштириш;

Худудлараро давлат солиқ инспекцияларини ташкил этиш орқали, иқтисодий самарасиз инспекцияларни бирлаштириш;

Худудларда солиқ тўловчиларга экстерриториал тамойили асосида хизмат кўрсатишга ўтиш;

Солиқ турлари ва ҳисоботларини унификация қилиш, солиқларни солиқ органлари ҳисоблаш ва солиқ тўловчи томонидан тасдиқлаш, жумладан солиқ ва статистика ҳисоботларини ягона тарзда солиқ органларига топшириш тамоилларини жорий этиш.

Кўчмас мулклар нархини бозор баҳосига ўтказиш, жисмоний шахслар, юридик шахслар, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида кўчмас мулк ижара шартномаларини бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда тузиш ҳамда давлат солиқ хизмати органларида ягона платформада ҳисобга кўйиш;

Нархларни шакллантириш, устав жамғармасини шакллантириш, товарларни ҳисобдан чиқариш, электрон савдо ва тўлов тизими ва бошқа солиқдан қочиш схемалари, бюджетга йўқотишлар хавфини баҳолаш ва бошқариш тизимини жорий этиш ва солиқ маъмурчилининг янги механизмларини амалиётга киритиш.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Дарькина Ю.А. (2019) Особенности налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков. *Interactive science*. 3 (37).

Дементьева Н.М. (2009) налоговая политика государства. https://nsuem.ru/science/publications/science_notes/issue.php?ELEMENT_ID=1689,

Камалнев Тимур Шамильевич (2009) Налоговое администрирование крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва.

Карп М.В (2001) Налоговый менеджмент: Учебник для вузов. – М.: Юнити-дана, – 39 с.

Майбуров И.А. (2007) Налоги и налогообложение: учебник для студентов вузов, обучающихся по специальностям; под ред. И.А.Майбурова.-М.: юнити-дана,2007.-655с.).

Ситникова Ольга Владимировна (2012). Совершенствование налогообложения крупнейших консолидированных налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва.

Федоров Андрей Николаевич (2010). Налоговое администрирование и стимулирование инвестиционной активности крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Нижний Новгород.

Юнак Алексей Алевтинович (2009) Проблемы правового регулирования налогового контроля и учета крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат юридических наук. Москва. с.12.